

Палванов Иззат Тўраевич

катта ўқитувчи

Ташкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали

ЖИНОЙ ЖАЗО ТИЗИМИДА АЛТЕРНАТИВ СИФАТИДА ПРОБАЦИЯ ВА СИНОВ ИНСТИТУТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

XIX асрнинг 40-йилларида. Шартли ҳукм биринчи марта Бирмингемдаги инглиз судяларидан бири томонидан қўлланилган. Кейин бу институт Англияда 1887 йилдаги “Биринчи маҳкумларни синаш тўғрисида” ги қонун билан мустаҳкамланган ва ниҳоят 1907 йил “Жиноятчиларни синаш тўғрисида” ги қонунга айланди. Континентал Европада шартли ҳукм қилиш 1888 йилда Белгиянинг жиноят қонунида, 1891 йилда эса Францияда тартибга солинган [1]. Турли давлатлар қонун ҳужжатларида шартли ҳукм қилиш институтининг ҳуқуқий табиати ва мазмуни турлича талқин қилинган, аммо шунга қарамай, статистика унинг кенг тарқалишини ва ҳозирги пайтда қўлланилиш доирасининг сезиларли даражада ўсганлигини кўрсатмоқда [2].

Шартли судловдан фойдаланиш жиноят содир этганликда айбдор шахснинг муайян синов муддати давомида жазони ижро этишдан озод қилинишини (ва баъзи мамлакатларда жиноий жавобгарликдан) ушбу шахсга хулқ-атворнинг муайян талабларини тақдим этиш билан, ижро этилмаганлиги жазонинг амалда бажарилишини ёки жиноий таъқиб қилишни англатади [3].

Синов институты, асосан, ҳомиладор ва ёш болали аёлларга нисбатан синов муддати ва жазо муддатини кечиктириш бўйича Россиядаги жиноят ҳуқуқ институтларига яқиндир. Ҳозирги вақтда синов муддати озодликдан маҳрум қилишнинг энг яхши “алтернативаси” деб ҳисобланади, қамоқнинг вайронкор таъсирига дучор бўлмаган маҳкумнинг енгилроқ тикланишига ёрдам беради, ҳуқуқбузарларнинг муайян тоифасини тузатишнинг ҳақиқий истикболини сақлаб, “қамоқхона аҳолиси” сонини кўпайтириш хавфини йўқ қилади.

Қолаверса, ҳозирги вақтда мамлакатимизда жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу сабабли, илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида *Узбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”* тикарори билан 2019 йил 1 январдан эътиборан мамлакатимизда пробация хизмати фаолияти йўлга қўйилди.

“Пробация” (лат. Пробатио - суд) - жиноий назорат, қамоқхона тушунчаси сифатида, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ёки қамоқдан озод қилинган жазога ҳукм қилинган маҳкумлар билан ишлаш учун пенологик фаолиятни (хизматларни) ташкил этиш учун ҳуқуқий тушунчада қўлланилади. Европа мамлакатларида пробация хизматининг асосий вазифалари муқобил санкцияларни ташкил этиш, тайёрлаш, амалга ошириш, шу жумладан мониторинг ва назоратдир [4]. Дунё амалиётида синов муддати учун масъул бўлган хизмат ёки бўлим номи ҳар хил бўлиши мумкин.

Синов муддати қамоққа олинганларга ёрдам бериш ва озод этилганларни назорат қилиш билан чекланиб қолмай, балки жиноий жараённинг барча босқичларига - гумон қилинувчини ҳибсга олишдан бошлаб, суд ҳукми ва ижро этилишигача бўлган танлов жараёнига қўлланилади. Сўнгги йилларда, кўпгина мамлакатларда пробацион хизматларнинг фаолияти кенг қамровга эга бўлиб, муайян маҳбусларни реабилитация қилишдан тортиб, аҳолининг энг заиф гуруҳлари билан уларнинг жиноий фаолиятга аралаштириш хавфини камайтириш мақсадида профилактика ишларига қадар.

Пробация - умумэтироф этилган халқаро термин ҳисобланиб, “синов” деган маънони англатиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган, жумладан, шартли ҳукм қилинган маҳкумларни қайта тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасида ишлар самарадорлигини оширадиган тизим ҳисобланади.

Пробация хизматининг дастлабки шакллари ўрта асрларда Англияда вужудга келган бўлиб, бунинг асосий зарурияти ўша даврда қўлланиладиган жазоларнинг жуда қаттиқ ва шафқатсиз

бўлганлигидир.

Замонавий пробацция хизмати 1841 йилда АҚШ полиция офицери Жон Августус томонидан ташкил этилган. Бунга бир қутилмаган тасодиф сабаб бўлган. Яъни кунлардан бирида суд “ичкиликбозликка” йўлиққан ҳуқуқбузарни ҳибсхонага жўнатади ва 3 ҳафтадан кейин ҳукм ўқилишини маълум қилади. Ҳукм ўқиладиган куни ҳуқуқбузар шахе полиция офицери Жон Августус ҳамроҳлигида хушмуомалалик билан кириб келади. Барчани ҳайратга солган жиҳати ҳуқуқбузарнинг ташқи қиёфаси ва феъл-атвори тубдан ўзгарган ва 3 ҳафта олдинги шахсга умуман ўхшамасди. Кейинчалик маълум бўлишича, Жон Августус ҳуқуқбузар шахсни назоратга олиб, уни ахлоқан қайта тарбиялаган эди. Шу орқали суд ва кишилар онгида шахсни жазолаш эмас балки, уни қайта тарбиялаш орқали жиноятлар олди олиниши мумкинлиги тўғрисида тасаввур пайдо бўлган.

Шубҳа йўқки, синов тизими барча хавфли вазиятларни - одамнинг қонун билан майда тўқнашувидан тортиб, рецидивизмга қарши курашгача бўлган қамровини қамраб олиши керак. Замонавий Европа тенденцияларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ишларнинг бутун занжири, масалан, вояга етмаганлар билан боғлиқ янги тушунча яратилмоқда - умумий маълумотлар базалари тузилмоқда, умумий тамойиллар ишлаб чиқилмоқда (хусусан, ўспиринлар билан ишлаш учун Канада дастурларида доимий қўллаб-қувватлаш тушунчаси). Умуман олганда, чет элда амалиёт ўташ ҳуқуқбузарларга ёрдам беришга қаратилган ижтимоий институтдир [5].

Дунёдашартлиҳукмқилиш биланбоғлиққоидаларБирлашганМиллатлар Ташкил отининг “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган чоралар тўғрисидаги минимал стандарт қоидалари”да [6] ва ҳар бир давлатнинг миллий қонун ҳужжатларида белгиланган. Аммо ҳисоб-китобларга қараганда ҳар йили жиноят содир этган 1 миллион 200 мингдан ортиқ шахслар пробацция хизмати томонидан назоратга олинади [7].

Жумладан, АҚШда шартли ҳукм қилинган ва шартли равишда қамоққа олинганларнинг учдан бир қисми мазкур қоидаларни тўлиқ бажармайди ва ушбу шахсларнинг деярли 350 мингтаси қоидаларни бузганлиги ва янги жиноятлар содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жойларига қайтарилади [8]. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар шартли ҳукмни қўллашга оид муаммоларни юзага келтириб, ушбу чоранинг ҳуқуқий мустаҳкамлаш заруратини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид 100 га яқин халқаро шартномаларга қўшилган, уларга риоя этилиши масалалари бўйича эса БМТнинг тегишли қўмиталарига 30 дан ортиқ миллий ҳисоботларни тақдим қилган. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар барчаси шахс ва унинг манфаатлари учун тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Буборадақилинганэнгдастлабқиқадам,шахснингкадр-қимматини,унингманфаатларини ҳар қанақасига поймол этган СССР нинг 1970-йилда қабул қилинган “Ахлоқ тузатиш меҳнат кодекси” 1997-йилда Ўзбекистон жиноят-ижроия кодексига ўзгартирилганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинган. Бу борада ташланган навбатдаги энг катта қадам бу - мамлакатимизда 2008-йилнинг 1 -январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилиниши орқали инсон эрки ва ҳаёти Ўзбекистонда олий қадрият деб тан олинганининг яна бир исботи бўлди. Ҳозирги вақтда аксарият давлатлар ўлим жазосидан воз кечиб бўлишган. Ҳозирда дунёнинг 130 дан ортиқ давлатида ўлим жазоси қўлланилмайди. Шунга қарамай баъзи ривожланган давлатларда ҳалиям ўлим жазоси сақланиб қолмоқда. Жумладан АҚШ, Белорусия, Эрой, Хитой шулар жумласидандир.

Республикамизда жиноят содир этган шахсларни жазодан озод этишга оид муаммоларни таҳлил қилишда шартли ҳукмни самарали қўллаш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2015-2019 йиллар давомида шартли ҳукм қилинган шахслар сони умумий судланганларнинг 8 фоизини ташкил этган. Бироқ улардан 4 фоизи ҳукм шартларини бузган, таҳлил қилинаётган даврда уларнинг сони 6 фоизга ошган [9]. Бугунги кунда ушбу ҳолатларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш, шартли ҳукм қилинган шахсларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, шартли ҳукм қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган қонун нормалари самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, жиноят содир этган айбдор шахсларни ахлоқан тузатишда шартли ҳукмни қўллаш

бўйича назарий ва ҳуқуқий механизмларини яратиш орқали келгусида шартли ҳукмдан янада самарали фойдаланишга эришиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳдراكатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 2 мартдаги “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳдراكатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон фармонлари, 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон, 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегиясининг устувор йўналишлари жазоларни ижро этиш тизимни гуманизациялашни назарда тутати ва стратегия доирасида жазони ижро этиш муассасаларида сақлаш шароитларини яхшилаш, маҳбусларни таснифлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда маҳкумларни қайта ижтимоийлашувига имкон яратиш кўзланмоқда [10].

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаат-номасида маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлайдиган қўшимча механизмлар яратиш-ни ҳисобга олган ҳолда, жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш, ин-сон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида барча вақтинча сақлаш ва тер-гов ҳибсхоналари, махсус қабулхоналар, маъмурий камокни ўташ жойлари, жазони ижро этиш муассасаларини видеокузатув мосламалари билан жиҳозлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалар юзасидан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Белгиланган вазифалар доирасида жазони ижро этиш тизими фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар ётоқхоналари, ёрдамчи бинолар бугунги кун талаблари асосида қайта қурилиб, зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

Жазони ижро этиш соҳасини халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳридаги 1-сон Тергов ҳибсхонасининг янги бинога кўчирилгани бу борада жуда катта қадам бўлди.

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг белгиланиши сиёсий ва ахлоқий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Жумладан, сиёсий жиҳатдан жамият ва давлатнинг маҳкумга бўлган муносабатини англатади. Чунки маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузумига боғлиқ жазо мақсади билан белгиланади. Жазони ўтаётган ҳар бир маҳкум қандай жиноят содир этганлиги ва жазо туридан қатъий назар, у ўзининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ва жамият аъзолигидан маҳрум қилинмайди. Фақатгина ҳуқуқ лаёқатида баъзи бир чеклашлар бўлади, бу маҳкумга жазо қўллаш, ахлоқан ва моддий таъсир қўллашда намоён бўлади, маҳкумнинг фуқароларга нисбатан ёмонроқ шароитда кун кечирishi ҳуқуқ лаёқатининг чекланиши билан ифодаланади.

Маҳкум ажнабий фуқаролар шунингдек ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари эса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналари билан алоқа қилиб туриш ҳуқуқига эга.

Суд ва пробақия хизматидан олинган маълумотлар таҳлилига асосланиб, 2015 йилда умумий судланган шахсларнинг 11,9 фоизига, 2019 йилда 5,2 фоизига шартли ҳукм қўлланилган, яъни унинг қўлланилиши қарийб икки бараварга камайганлиги қайд этилган.

Шартли ҳукми қўллашда тайинланадиган жазоларнинг ҳиссасини таҳлил қилган. Жумладан, судлар томонидан айбдор шахсларга 90-94 фоиз ҳолатда озодликдан маҳрум қилиш, 3-4 фоиз ҳолатда ахлоқ тузатиш ишлари, 1-2 фоиз ҳолатда интизомий қисмга жўнатиш ёки хизмат бўйича чеклаш жазолари тайинланганида шартли ҳукм чораси қўлланилган.

Айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигининг шартли ҳукмга оид нормаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида ҳозирги кунда мамлакатимиз жиноят қонунчилигига мувофиқ

озодликни чеклаш жазоси тайинланганида ҳам шартли ҳукми қўллаш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишини назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида вазирликнинг Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизмати ва тегишлича унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди.

Шу билан бирга, Пробация бўлинмаларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бўйича фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда самарали ташкил этиш;

- шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

- назорат остидагилар, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларнинг ижтимоий мослашуви ва ишга жойлашишига, шу жумладан, уларнинг касбий тайёргарлиги бўйича тадбирларни ташкил этиш орқали ҳар томонлама амалий қўмаклашиш;

- назорат остидагиларнинг қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг шахсини ижтимоий-психологик портретни тузгаи ҳолда ўрганиш.

Демак, пробация хизмати ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган ва шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга оширади.

Ҳозирга вақтда пробация хизматидан дунё амалиётида жуда кенг фойдаланилади. Агар хорижий тажрибани олсак, қўшни Қозоғистонда шартли равишда жазога тортилганларнинг (6858) 37 фоизига нисбатан пробация амалиёти қўлланилган. Натижада умумий маҳкумларнинг 202 таси қайта жиноятга қўл урган бўлса, пробацияга тушганларнинг эса, бор-йўғи, 15 таси, яъни 7,4 фоизи қайта жиноят содир этган.

Бу рақамлар орқали қисқача хулоса қилсак, пробациянинг мамлакатда жиноятлар содир этилишининг олдини олишда ҳамда маҳкумларни ахлоқан тарбиялашда ўрни бекиёсдир.

Шу ндай қилиб, синов хизматини ташкил этишнинг аҳамияти шу нд аки, собиқ маҳбусларни замонавий ижтимоий мослашуви тизимини яратиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва олдини олиш муаммолари бугунги кунда айниқса долзарбдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бабина С. А. Особенности применения условного осуждения в зарубежных странах (на примере США) // Бизнес в законе. Экономикс юридический журнал. № 4. 2010. С. 66.

2. Габараев А. Ш., Новиков А. В. перспективы реализации института пробации в современной пенитенциарной политике российской федерации //Современные проблемы науки и образования. 2015. № 2(2). Режим доступа :[хттп://Ау\у\\\$.ссие-е-дусатион.ру/ру/ артисле/виету?ид=23244](http://Ау\у\$.ссие-е-дусатион.ру/ру/ артисле/виету?ид=23244) (дата обращения: 11.10.2016).

3. Никифоров Б. С., Решетников Ф. М. Современное американское право. М., 1990. Режим доступа : [хттп://\у\у.ейе.сси-либ.ком](http://\у\у.ейе.сси-либ.ком).

4. Ткачевский Ю.М. Понятие условного осуждения//ВестникМосковскогоуниверситета. Сер. 11. Право. 2003. № 3. С. 36.

5. Хуторская Н. Б. Организация и деятельность службы пробации за рубежом // Альтернативы тюремному заключению в Российской Федерации: материалы Междунар. конференции. М., 2001. С.46.

6. Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций в отношении мер, не связанных с тюремным заключением [Токийские правила] принятые резолюцией 45/110 ООН от 14 декабря 1990 года: <https://www.un.org/ru/documents/decl conv/conventions/ tokyorules.shtml>.

7. https://www.google.com/url?sa=t&source=web&rct=j&url=http://wp.unil.ch/space/files/2017/03_

8. <https://www.pewtrusts.org/en/research-and-analysis/articles/2018/10/31/in-55-usadults-is-on-probation-orparole>.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва ПИВ ЖИЭББ ҳузуридаги Пробация хизматининг 2015-2019 йилларга оид статистик маълумотлари.

10.Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ- 4947-сонли Фармони // Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда, 20-сон.

11.Шермухамедова, Н. А. "ИНСТИТУТ ПРЕЗИДЕНТСТВА: ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА И СОТРУДНИЧЕСТВО С КАЗАХСТАНОМ." П26 Первый Президент Республики Казахстан–Елбасы: стратегия государственного управления и феномен лидерства: сборник (2018): 38.

12.Нишанова, О. (2023). Влияние процессов глобализации на этническую культуру, in Library, 7(1), 164-167. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21867>